

**«КЕЛИШИЛГАН»
«MADAD INVEST BANK» АТБ
Бошқарув раиси**

У.У.Таваккалов

(имзо ва муҳр ўрни)
“02” октябр 2024 йил



**«ТАСДИКЛАЙМАН»
«MY INSURANCE» АЖ СТ
Бошқарув раиси**

М.Б.Кучаров

(имзо ва муҳр ўрни)
“02” октябр 2024 йил



ГАРОВГА ҚЎЙИЛАЁТГАН МОЛ-МУЛКНИ СУФУРТАЛАШ ҚОИДАЛАРИ

1-БЎЛИМ. ҚОИДА ПРЕДМЕТИ

1.1.“Суғурталовчи”, ушбу “Гаровга қўйилаётган мол-мulkни суғурталаш” Қоидаларининг (кейинги матнлара “Қоидалар” деб юритилади) 1-иловасига яъни Суғурта шартномаси (кейинги матнларда шартнома деб юритилади)да кўрсатилган микдор ва муддатда суғурта мукофоти тўланиши шарти билан ушбу Қоидаларда назарда тутилган шартларга мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда “Суғурта қилдирувчи”га шартномада кўрсатилган тартиб ва ҳажмда заарларни коплаб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу қоидалар “Суғурталовчи” яъни «MY INSURANCE» АЖ СТ ва “Наф” яъни «MADAD INVEST BANK» АТБ томонидан имзоланади ва унинг нусхаси (сканер варианти) ушбу қоиданинг 1-иловасида келтирилган Шартномага хавола (QR-код) орқали жойлаштирилади. Кредит шартномасига асосан “Суғурта қилдирувчи” деб юритилувчи томон мазкур хавола орқали ушбу Қоидаларда шартлари билан тўлиқ танишиб чиқсан ҳолда, Шартномани имзолаши мазкур Қоидалар шартларига тўлиқ розилигини билдиргани хамда ушбу Қоидаларда учинчι томон яъни “Суғурта қилдирувчи” сифатида иштирик этиш истагини билдиргани хисобланади.

1.3. Суғурта обьекти мазкур Қоиданинг 1-иловасига мувофиқ мижознинг аризасида келтириб ўтилади.

2-БЎЛИМ. УМУМИЙ АТАМАЛАР

2.1. Қуйида келтирилган, ушбу Суғурта Қоидасида фойдаланилган атамалар қўйидаги маъноларга эга:

Суғурталовчи - мазкур суғурта Қоидаси шартлари бўйича суғурта копламасини амалга ошириш мажбуриятини кабул килувчи суғурта компанияси бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ амалга оширади. Суғурталовчи номидан унинг худудий филиал ва бўлим/бўлинмалари амалдаги конунчиликка мувофиқ суғурта фаолиятини амалга оширади.

Наф олувчи – гаровга олувчи бўлган ва унинг фойдасига гаровга қўйилган мол-мulk суғурта қилинган Суғурта қилдирувчи билан кредит шартномасини тузган Банк («Madad Invest Bank» АТБ). Гаровга олувчи, гаровга қўйилган мол-мulk кимнинг фойдасига суғурта қилинганилигидан катъи назар, гаровга қўйилган мол-мulkning йўқолиши ёки шикастланганлиги учун суғурта товонини, агар гаровга олувчи томонидан содир этилган сабабларга қўра содир бўлмаган бўлса, олишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи – Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган ва Суғурталовчи билан аник суғурта муносабатларига кирувчи, ўзининг мулкий манфаатларини суғурталашган, кредит шартномаси бўйича қарз олувчи ёки гаровга қўювчи юридик ёки жисмоний шахсdir.

Қарз олувчи – мазкур Қоиданинг 1-иловасига мувофиқ шартномада келтириб ўтилган хавола (QR-код) орқали ушбу Қоидаларда шартлари билдирилган хавола Суғурта шартномани имзолаш орқали ушбу Қоидада учинчι томон сифатида иштирик этиш истагини билдирилган, ўрнатилган тартибида давлат рўйхатидан ўтган, шунингдек ўз фаолияти натижасида даромад манбаига эга бўлган “Суғурта қилдирувчи” билан кредит шартномасига мувофиқ шартномавий муносабатга киришган юридик шахс ёки ўз фаолияти натижасида даромад манбаига эга бўлган, тижорат банки билан кредит шартномасига мувофиқ шартномавий муносабатларга киришган жисмоний шахс.

Кредит шартномаси – Банк ва Қарз олувчи ўртасида тузилган шартнома бўлиб, унинг асосида Банк Қарз олувчига пул маблагларини (кредитни) келишилган микдорларда кредит шартномаси шартларида тақдим этиш мажбуриятини, Қарз олувчи эса олинган пул маблагларини (кредитни) белгиланган муддат(лар)да тўлиқ кайтариш ва фоизларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Суғурта ҳодисаси – Суғурта шартномасида келтирилган ва келишилган, шартномада белгиланган вазиятларда хамда шартларда содир бўлган воқеа хисобланиб, хакиқатда содир бўлганида ва Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси шартлари тўлиқ бажарилганда Суғурталовчининг суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбурияти юзага келади.

Суғурталанган мол-мulk (суғурта предмети) – суғурта худудида жойлашган хамда Шартноманинг ажралмас қисми бўлган суғурта шартномасида/аризасида келтирилиб ўтилган суғурталанаётган мол-мulk тўғрисидаги маълумотлар, яъни: бино ва иншоотлар, савдо ускуналари, мебел,офис жихозлари, сотиш учун товарлар ва х. к. хисобланади.

Суғурта қиймати – Суғурта шартномасини тузиш санасига мол-мulkning суғурта жойидаги ҳақиқий баҳосига тенг киймат.

Суғурта пули – Суғурта шартномаси билан белгиланадиган, суғурта обьекти суғурталанган, суғурта ҳодисаси содир бўлгандага Суғурталовчи жавобгарлиги хажмининг чегарасини ўзида акс эттирувчи пул маблаглари микдори.

Сугурта мукофоти – сугурта учун тўлов бўлиб, уни Сугурта килдирувчи ушбу Сугурта қоидаларида баён қилинган тартибида ва муддатларда Сугурталовчига тўлаши шарт.

Сугурта полиси – Сугурталовчи томонидан Сугурта килдирувчига сугурта мукофоти тўлангандан кейин бериладиган, сугурта мукофоти тўланганидан кейин кучга кирадиган хамда Сугурталовчининг мазкур сугурта Қоидаси шартларига мувоғик сугурта товони (копламаси)ни тўлаш мажбуриятларини тасдиқловчи хужжат.

Сугурта товони – сугурта ходисаси ҳакиқатда сугурта шартномасида келишилган холатларда содир бўлганда сугурталанган мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун сугурта пули чегарасида тўланадиган пул маблаги.

Сугурта муддати – сугурта полисида кўрсатилган давр бўлиб, унинг мобайнида содир бўлган сугурта ходисалари юзасидан сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбуриятлари амалда бўлади.

Сугурта (худуди) жойи – Сугурталовчи сугурта химоясини тақдим этадиган, сугурталанган мол-мулк жойлашган манзил.

Портлаш – газ ёки буғларнинг кенгайишига асосланган, катта миқдордаги энергиянинг шиддат билан отилиб чиқиши. Резервуар портлаши бўлиб резервуар ичкарисида ва ташқарисидаги босим тенглашишига олиб келадиган даражада резервуар деворларининг ёрилиши. Агар резервуар ичда кимёвий реакциянинг тез кечиши натижасида портлаш содир бўлса, унинг деворлари ёрилмаган бўлса хам, бундан етказилган зарар сугурта билан қопланади. Вакуум ёки газларнинг сийраклашиши натижасида етказилган зарар сугурта килинмайди (ички мухит).

Зилзила – ер каридан мунтазам содир бўладиган, ернинг устки кисми силкиниши ва тебраниши билан кузатиладиган табий жараёнлар натижаси (рихтер шкаласи бўйча 5 баллдан юкори кўрсаткич).

Ер силжиши – денгизлар, кўллар, дарёлар, жарликлар яқинида, чукурликларнинг, каналарнинг тик кияликлари, шунингдек тогларда ўз оғирлик кучи таъсирида ер массасининг секин силжиши.

Сув тошкени – дарё, кўл, денгиз сатҳининг кўтарилиши ёки дамба, тўғон бузилиши натижасида худудни сезиларли даражада сув босиши.

Кўчки – шамол ёки ерусти ёки ерости сувларнинг таъсирида, кирғок ёнбагирларини ювилиши ва жинсларнинг оғирлик кучи таъсирида ёки зилзила натижасида тоф жинсларининг кулаши.

Довул – тезлиги 32 м/с дан ортиқ бўлган кучли шамол. Шамол тезлиги Ўзбекистон Республикаси Гидрометмарказининг худудий муассасалари маълумотномалари билан тасдиқланади.

Дўл уриши – дўлнинг бевосита таъсири оқибатида сугурталанган мол-мулкни ҳар қандай йўқотилиши ёки шикастланишини англатади.

Жала – 12 соат ёки ундан кам вактда 30 мм ёки ундан ортиқ катта миқдорда ёгингарчилик бўлиши билан кузатилган кучли ёмғир.

Яшин уриши – мол-мулқдан маҳрум бўлишга (нобуд бўлишига) олиб келувчи, унга яшиннинг тўғридан-тўғри тегиши (яшин – булултар ўртасидаги ёки булат ва ер ўртасидаги электр разряди). Яшиннинг иссиқ таъсири ва яшин оқибатида ҳаво босими таъсири хам сугурта билан қопланади.

Чақмоқ — атмосферада юз берадиган учқунли електр разряди. Булултар билан булултар орасида ёки булултар билан ер орасида ҳосил бўлади.

Сел — тоф водийлари, сойлар ва жарлардан оқиб келадиган, катта вайронгарчилик кучига ега бўлган қисқа муддатли лойқа ёки лойқатош аралаш кучли сув оқими. Қорларнинг жадал ериши, кучли жала ёгиши натижасида тоглардан бошланадиган кичик дарё ва сойлар хавзаларида содир бўлади.

Қалин кор ёзиши – бундай кор ёгиши ушбу худуд учун камдан-кам (гайриоддий) холат бўлиши шарти билан қисқа вакт оралиғида одатдагидан кўп миқдорда – 12 соат ва ундан кам вактда 20 мм ва ундан кўп кор ёзиши. Хўжасизлик сабабли секин-аста кўп миқдорда кор тўпланиши қалин кор ёзишидан фарқланади.

Бузиб ўғрилик килиш – ушбу Сугурта Қоидаси бўйича сугурта худуди сарҳадидаги ёпиқ жойга ёки бошқа ёпиқ омборга кирилганлигига, шунингдек кўрсатилган жойдан кетилганлигига ишора килувчи қуидаги излар (жинояткор ўзлаштириш мақсадида бу жойга оддатий йўл билан кириб, у ёпилишга қадар у ерда хуфиёна колган) бўлса, мол-мулкни ўзлаштириш бўлиб ҳисобланади:

а) одатдаги холатда одамлар кириши учун мўлжалланмаган туйнуклар (масалан, ҳаво алмаштириш туйнуклари) орқали;

б) тўсиклар, деворлар томлардан туйнук очиш орқали;

в) эшикларни бузиш, ойналарга шикаст етказиш, очкич, ясама калитлар ёки техник воситалардан фойдаланиш орқали (эгаси томонидан ёки эгасининг топшириғига кўра бошқа шахслар томонидан ҳақиқий калит асосида ишлаб чиқарилган калитлар ясама калитлар ҳисобланмайди). Очкичдан фойдаланиб бузиш бўлиб бузилганликни аникласа бўладиган, ноқонуний равишда қулфни очкичда ёки бошқа воситалар билан очиш ҳисобланади. Кулфни ҳақиқий калит ёки унинг нусхаси билан очиш очкичда очиш бўлиб ҳисобланмайди.

Учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари – сугурталанган мол-мулкни учинчи шахсларнинг ёқиб юбориши, ёндириши, синдириши, бузиши, зарар етказиши, шунингдек бошқа ноқонуний/хуқуққа зид ҳаракатлари натижасида ундан маҳрум бўлиш ёки унинг шикастланиши.

Изоҳ. «Учинчи шахслар» деганда Сугурта килдирувчи билан шартномавий муносабатда бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс тушунилади. Сугурта килдирувчи, унинг оила аъзолари, унинг ходимлари, шунингдек Сугурта килдирувчининг номидан иш юритувчи жисмоний ва юридик шасхлар учинчи шахс ҳисобланмайди.

Транспорт воситасининг келиб урилиш – сугурталанган мол-мулк ҳар қандай ер усти транспорт воситаси келиб урилиш натижасида йўқотилиши ёки шикастланишини англатади.

Учувчи воситаларнинг қулаши – учувчи аппаратлар, уларнинг кисмлари ёки юклари тушиши натижасида сугурталанган мол-мулкни ҳар қандай бевосита йўқотилиши ёки шикастланишини англатади.

3-БЎЛIM. СУГУРТА ПОЛИСИНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Сугурта килдирувчи томонидан шартномада белгиланган муддатда сугурта мукофоти тўланган тақдирда, сугурта мукофоти тўланган санадан бошланиб, сугурталаш учун Аризага мувоғик сугурта полиси расмийлаштирилади ва олинган

мажбурият сұғурта полисида белгиланған даврда амал қиласы.

3.2. Сұғурта полиси сұғурта мұкофоти (унинг бириңчи/навбатдаги бадали) Сұғурталовчининг банк ҳисоб ռақамига келиб түшгандан кейин 24 (Йигирма түрт) соат ичидә Қарз олувчининг аризасыда күрсатып үтилған телефон ռақамига электрон полисінде ҳавола юборилади. Сұғурта мұкофоти тұлғык тұлғанмаган тақдирда Сұғурта полиси сұғурта мұкофотининг тұлғанған қисмінде мутаносиб міндерден берилади.

3.3. Электрон сұғурта полисининг ҳаволасы бирон бир сабабға күра йүқтөлған тақдирда Қарз олувчининг ёзма аризасы асосида электрон полиснинг ҳаволасы қайта тақдим этилади.

3.4. Кредит шартномасы/келишүвининг муддатында үзайтирилған тақдирда, күшімчада сұғурталаш учун Аризага тузиш ва тегишли күшімчада сұғурта мұкофотини тұлаш йўли билан үзайтирилиши мүмкін.

4-БҮЛІМ. СҰҒУРТА ҲОДИСАСИ

4.1. Ушбу Қоида бүйіча қуидагилар сұғурта ҳодисалари ҳисобланады:

Механик шикастланиш, қуидаги ҳолаттар таъсирида:

Портлаш

Транспорт воситаларининг келиб урилиши

Учучи аппараттар ва уларнинг қисмларининг келиб тушиши

Учинчи шахсларнинг ғайриқонунный ҳаракатлари, қуидаги ҳолаттар таъсирида:

Бузид үгрилик қилиш

Табий оғаттар, қуидаги ҳолаттар таъсирида:

Зилзила (рихтер шкаласы бүйіча 5 баллдан юкори)

Ер сілжиши

Табий ёнғин

Сел келиши

Довул, жала, дүл, яшин, чақмоқ уриши

Сув тошқини

Күчки

Калин кор ёғиши

5-БҮЛІМ. ИСТИСНОЛАР

5.1. Ҳар қандай ҳолаттарда қуидаги шарт-шароит ва/ёки қуидагилар натижасыда юзага келған зарап (сұғурта ҳодисалари) лар бүйіча сұғурта товони қолланмайды:

а) сұғурталанған обьектнинг табий эскириши натижасыда емирилиши (чириши) ёки мол-мулкнинг бошқа табий хусусиятлар;

б) Сұғурта килдирувчи ёки унинг вакиллари сұғурталанған мол-мулкдан фойдаланыш қоидаларини бузиши натижасыда содир бұлған вөкеа.

в) Сұғурта килдирувчи Сұғурталовчига шикастланған буюмларни ёки уларнинг қолдикларини тақдим этишни рад этишләри.

г) Сұғурталовчини ёзма равища хабардор қылмаган холда сұғурта обьектіде қурилиш-монтаж, созлаш ишләри, тест синовлари, дастлабки синов ва бошқаларни амалга ошириш.

д) ёнғин натижасыда юзага келмаган оловдан шикастланиш, шунингдек сұғурталанған қайта ишлаш ёки бошқа мақсадларда (масалан, куритищ, эритищ, дазмоллаш, тутатищ, қовурищ, иссиклиқ билан ишлов беріш ёки металлларни эритиши ва х.) мол-мулкка олов, иссиклиқ ёки бошқача ҳарорат билан ишлов беріш натижасыда шикастланишлар сұғурта билан қолланмайды да бу бүйіча сұғурта товони тұлғанмайды;

е) Сұғурта килдирувчининг (уларнинг раҳбар ҳодимлари ёки вакиллари хамда ўз номидан, лекин Сұғурта килдирувчи манфаатини ёқлаб қаралат қылған бошқа шахс, агар унинг айби мутасадди идоралар томонидан аникланған бұлса) сұғурта ҳодисасы содир бұлишга қаралып қасдан қылған ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчи ёки Сұғурта килдирувчи ёки учинчи шахсларнинг ҳаёті, соғлиғи, шағындықтарынан химоя килиш холлари бундан мустасно;

ж) Сұғурта ҳодисасы юзага келгенлиги факти бүйіча Сұғурта килдирувчига нисбатан ушбу иш юзасыдан жиной иш күзатылған бұлса;

ж) Сұғурта килдирувчи томонидан сұғурта обьектини эксплуатация қилиш шаңда хизмат күрсатып бүйіча мөъерій хужжаттар ва йүрикномалар талабларында күпоп тарзда ёки жиной (махсус ваколатты органларнинг холосаларига күра) амал қилмаслик, шунингдек, ушбу обьектдан белгиланғандан күра бошқа мақсадларда фойдаланыш;

з) маҳсус тайёргарлар күрмеган ва тегишли рухсатномага эга бўлмаган шахслар томонидан сұғурта килинган обьектларни эксплуатация қилиш шаңда хизмат күрсатып;

и) Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ва қисқа түқнашув натижасыда мол-мулкга етган зараплар.

й) Наф олувчининг (уларнинг раҳбар ҳодимлари ёки вакиллари хамда ўз номидан, лекин Сұғурта килдирувчи ёки Наф олувчи манфаатини ёқлаб қаралат қылған бошқа шахс, агар унинг айби мутасадди идоралар томонидан аникланған бұлса) сұғурта ҳодисасы содир бұлишга қаралып қасдан қылған ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчи ёки Сұғурта килдирувчи/Наф олувчи ёки учинчи шахсларнинг ҳаёті, соғлиғи, шағындықтарынан химоя килиш холлари бундан мустасно;

к) эктикалық оқибатида электро курилмалар ва/ёки майший техникаларнинг ёнил қолда колдириб кетишилиги натижасыда ёнғин келиб чиканида;

л) ичкарида жойлашиши керак бўлған мол-мулк ташқарыда жойлашганда етказилған зараплар;

5.2. Сұғурта воеаси қуидагилар натижасыда содир бўлса, Сұғурталовчи сұғурта товонини тұлашдан озод бўлади:

а) ядрорий нурланиш ёки радиоактив захарланиш ёки радиоактив ифлосланиш.

5.3. Сұғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларыда күрсатылған холларда хам сұғурта товонини

тўлашдан озод бўлади.

6-БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

6.1. Мазкур Сугурта қоидаси бўйича сугурта пули ҳар бир тузилаётган сугурта шартномаси бўйича алоҳида белгиланади.

6.2. Ушбу Коида бўйича сугурта мукофоти сугурта пулининг 0,03 (нол бутун юздан уч) фойизни ташкил этади.

6.3. Сугурта мукофоти (ёки унинг биринчи кисми) сугурта шартномаси имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ошмаган муддатда тўланиши шарт.

6.4. Ушбу Коида бўйича барча ўзаро хисоб-китоблар сугурта шартномасида кўрсатилган валютада амалга оширилади.

6.5. Сугурта пули миқдори Сугурта килдирувчи ва Қарз оловчи Сугурталовчига тақдим этадиган маълумотномасига кўра белгиланади. Сугурта пули сугуртага қабул қилинаётган мол-мулкнинг қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, сугурта ходисаси юз берганида Сугурталовчи Сугурта килдирувчига/ Қарз оловчига у кўрган зарарни Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 936-моддасига асосан сугурта пулининг сугурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равиша коплайди. Сугурта полиснинг 10-бандида кўрсатилади.

7-БЎЛИМ. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ МУДДАТИ. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУГАТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Ушбу Сугурта қоидаси томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради, сугурта шартномаси сугурта мукофоти тўланиши шарти билан Сугурта полисида кўрсатилган даври давомида амалда бўлади.

7.2. Сугурталовчининг сугурта ходисаси содир бўлганда, сугурта товонини тўлаш мажбурияти сугурталовчига сугурта мукофоти тўланган сананинг эртаси кунидан бошлаб кучга киради.

7.3. Сугурта полиси сугурта мукофоти Сугурталовчининг хисоб рақамига келиб тушган санадан шакиллантирилади ҳамда тақдим клинади.

7.4. Сугурта полиси мазкур сугурта қоидаси доирасида ҳар бир Сугурта килдирувчи бўйича анкета сўровига кўра индивидуал қўринишда тақдим қилинади. Ҳар бир сугурта полиси мазкур сугурта қоидаси ва томонлар ўртасида тузилган сугурта шартномаси доирасида расмийлаштирилган хужжат хисобланади.

7.5. Суғарта килдирувчи қарз бўйича Банк олдидағи барча мажбуриятларини бажариб, сугурта қилинган мол-мулкнинг гаровини бекор килганда ва Сугурта полисини бекор қилиш тўғрисида Сугурталовчига тегишли талаб билдириласа, Сугурта полиси унда кўрсатилган сугурта даври тугагунига қадар амалда бўлади ва ушбу давр ичда сугурта ходисаси содир бўлганда Сугурта килдирувчи сугурта товонини олиш ваколатига эга хисобланади.

7.6. Сугурта килдирувчи/Қарз оловчи кредитнинг муддатидан олдин тўлиқ сўндирилиши муносабати билан ёки ушбу Сугурта қоидаларида назарда тутилмаган бошка ҳолатлар бўйича Сугурта қоидаларига кўра расмийлаштирилган Сугурта полисини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида Сугурталовчига талаб тақдирда, сугурта мукофоти Сугурталовчининг харажатларини тўланган сугурта мукофотининг 25 фойзи миқдорида чиқариб ташланган ҳолда сугурта мукофотининг қолган суммасидан сугурта даврининг тугамаган ҳисмига мутаносиб равишида қайтарилиши лозим. Сугурта килдирувчи унинг фойдасига қайтарилиши лозим бўлган сугурта мукофоти суммасини Сугурталовчи билан тузилган/тузиладиган ўзининг бошка сугурталаш шартномаларига тўлаш учун йўналтириш ҳакида Сугурталовчига мурожаат қилишга ҳакли бўлиб, бундай ҳолларда қайтариладиган сумма 25% миқдордаги харажатларни чиқариб ташламаган ҳолда бундай шартнома хисобига олиниши мумкин.

7.7. Ушбу Сугурта қоидаларига кўра расмийлаштирилган Сугурта полиси тарафлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин. Сугурта полисини бекор қилиш учун барча тарафларнинг розилиги талаб қилинади. Сугурта полиси тарафлар ўртасида бекор қилиш тўғрисидаги келишув битими имзоланганидан сўнг бекор бўлади.

7.8. Сугурта килдирувчининг ўз мажбуриятларини бузишдан келиб чиқсан ҳолда Сугурталовчи ушбу Сугурта қоидаларини муддатидан илгари бекор қилишни талаб қилганида, тўланган сугурта мукофоти қайtarilmайдi.

7.9. Агар ушбу Сугурта қоидалари бўйича Сугурталовчи сугурта товонини бундай тўлов суммасидан қатъий назар тўлаган бўлса ёки унда сугурта ходисаси юз бериши муносабати билан сугурта товонини тўлашга доир мажбурият бўлса, сугурта мукофоти қайtarilmайдi.

7.10. Ушбу Сугурта қоидалари кўйидаги ҳолларда тугатилади:

- амал қилиш муддати тугаганида;
- Сугурталовчи томонидан мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилганида;
- Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларида назарда тутилган бошка ҳолларда.

8-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ушбу Сугурта қоидаси доирасида:

8.1. Сугурталовчининг ҳуҷуқлари:

8.1.1. Сугурталанган мол-мулкнинг ҳолатини, шу жумладан Ариза-сўровнома кўрсатилган шартларга тўғри келишини текшириши;

8.1.2. Сугурта килдирувчи ёки Қарз оловчи ушбу Сугурта қоидасининг талабларини бажаришини текшириши;

8.1.3. Сугурталанган мол-мулкни сақлаб қолиш ва кутқаришида иштирок этиши, Сугурта килдирувчи учун мажбурий бўлган, зарарни камайтиришига қаратилган йўриқномалар бериши. Сугурталовчининг ёки унинг вакилларининг бу харакатлари Сугурталовчи сугурта товонини тўлаш мажбуриятини тан олганлигини англатмайди;

8.1.4. Заарланган мол-мулкни Сугурталовчига бу ҳакида маълум бўлиши биланоқ қўрикдан ўтказиши;

8.1.5. Заарни камайтириш учун у зарур деб ҳисоблаган чораларни кўриши, Сугурта килдирувчи ёки Қарз оловчининг ёзма топширигига кўра унинг ҳуҷуқларини химоя қилиши ва заарларни ҳал қилиш бўйича барча ишларни юритиши;

8.1.6. Воқеа тавсифи ва тавсилотларидан келиб чиқиб, ушбу Сугурта қоидасининг 9.2-бандида кўрсатилган хужжатларни ҳаммасини талаб қилмасдан ҳам сугурта воқеасини сугурта ҳодисаси деб тан олиш ҳақида қарор қабул қилиши

ва сугурта товонини тўлаши талаб этилмайди.

8.1.7. Сугурта товони тўлашни рад этиши, агар:

а) Банк ёки Сугурта килдирувчи сугурта ходисаси содир бўлганлиги ҳакида маълум бўлгандан кейин Сугурталовчига у содир бўлганлиги ҳакида ушбу Сугурта коидасида кўрсатилган муддат ва тартибда хабар бермаган бўлса, агар Сугурталовчи сугурта ходисаси ҳакида билганлиги ёки Сугурталовчидаги бу ҳакида маълумот бўлганлиги исботланса, сугурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмайди;

б) Сугурта килдирувчи Сугурталовчи ёки унинг вакили етказилган зарар тавсилоти, тавсифи ва миқдорини аниқлашда иштирок этишига каршилик қиласа;

в) Сугурта килдирувчи Сугурталовчининг талабига асосан сугурта ходисаси ва зарар миқдорини аниқлаш учун зарур хужжатлар/маълумотлар/ахборотларни тақдим этмаган бўлса;

г) Сугурта килдирувчи Сугурталовчи қоплаган заарлар учун жавобгар шахсадан талаб қилиш хукуқидан воз кечса ёки Сугурта килдирувчи айби билан бу хукуқни амалга оширишнинг имкони бўлмай қолса;

д) Сугурта килдирувчи ушбу Сугурта коидасида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаса.

8.1.8. Агар сугурта шартномаси тузилгандан кейин Сугурта килдирувчи сугурта ходисаси содир бўлиши эхтимолини ва у содир бўлишидан этиши мумкин бўлган заарлар миқдорини аниқлаш учун мухим аҳамиятга эга маълумотлар ёғон эканлиги аниқ бўлса, Сугурта шартномасини ҳакиқий эмас деб топилишини талаб қилиши. Мухим бўлиб Сугурталовчи билан Ариза-сўровномада келишилган маълумотлар ҳисобланади.

8.1.9. Ушбу сугурта коидасида келишилган муддатда сугурта мукофоти (ёки унинг кисми) тўланмаган тақдирда сугурта шартномаси амал қилишини бир томонлама бекор қилиши ва оқибатда Сугурта шартномаси тутагилади ва тўлов муддати тутаган пайтдан (ушбу навбатдаги тўлов тўланиши шарт бўлган санадан) бошлаб ўз юридик кучини йўқотади (автоматик тарзда бекор қилинади) ва Сугурталовчи учун сугурта товони тўлаш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

8.1.10. Регресс тартибida сугурта пули (ундирилганда) ундириш белгиланганда, Қарздорнинг ҳисоб варагидан акцептсиз тартибida пул маблағлари ундириб олинади.

8.1.11. Сугурталовчининг сўровига кўра зарур хужжатларни белгиланган муддатда (20 иш куни) мобайнида тақдим этилмаса, мурожаат бўйича сугурта давъо ишини кўриб чикиш тўхтатилади.

8.2. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

8.2.1. Ушбу Сугурта коидасида кўрсатилган тартиб ва муддатларда Сугурта килдируvчига Сугурта полисини бериши;

8.2.2. Сугурта шартномаси амалда бўлган муддатда Сугурта килдируvчига сугурта масалалари бўйича маслаҳатлар бериши;

8.2.3. Сугурталовчи сугурта ходисаси деб тан олган ҳолатлар бўйича ушбу Сугурта коидасида кўrсатилган муддатда сугурта товони тўловини амалга ошириши;

8.2.4. Ушбу коида амал қилиши мобайнида Сугурта килдируvчи ва/ёки Наф олувидан олинган ахборотни сир саклаши, Сугурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ давлат идораларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно;

8.3. Сугурта қилдируvчининг хукуклари:

8.3.1. Томонларнинг келишувчига кўра Сугурта шартномасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиши;

8.3.2. сўровномага кўра ушбу Сугурта коидаси/шартномаси бўйича маслаҳатлар олиши;

8.3.3. сугурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини олиши;

8.3.4. Сугурталовчи сугурта тўловини рад этиши устидан судга шикоят қилиши.

8.4. Сугурта қилдируvчининг мажбуриятлари:

8.4.1. Сугурта шартномасини тузадётганда Сугурталовчига сугурта ходисаси содир бўлиши эхтимолини ва у содир бўлишидан этиши мумкин бўлган заарлар миқдорини аниқлаш учун сезиларли аҳамиятга эга, унга маълум бўлган барча тафсилотлар, шунингдек сугурталанган мол-мулкка нисбатан тузилаётган ёки тузилган барча сугурта шартномалари ҳакида, агар бу тафсилотлар Сугурталовчига маълум бўлмаса ёки маълум бўлиши шарт бўлмаса, хабар қилиши;

8.4.2. Сугурталовчига Сугурта шартномасини тузадётганда хабар қилинган тафсилотларда сезиларли ўзгаришлар ҳакида, агар бу ўзгаришлар сугурта қалтислиги даражасига сезиларли таъсир этиши мумкин бўлса, Сугурта шартномаси амалда бўлган даврда Сугурта килдируvчи ўзига маълум бўлган тавсилотлар ҳакида Сугурталовчига дарҳол хабар бериши шарт. Сезиларли ўзгаришлар бўлиб Ариза-сўровномада хабар қилинган тафсилотлар (шу жумладан мол-мулкни, бузилиши, бино ёки қурилмаларнинг қайта қурилиши ёки қайта жихозланиши, мол-мулк шикастланиши ёки йўқ қилиниши ва ш.к.) ҳисобланади.

Сугурта қалтислиги ошишига олиб келувчи тафсилотлар ҳакида хабар топган Сугурталовчи қалтислик ошишига мос қўшимча сугурта мукофоти тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар Сугурта килдируvчи қўшимча сугурта мукофоти тўланишига қарши бўлса Сугурталовчи Сугурта шартномасини бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳолатда, сугурта шартномаси бўйича тўланган сугурта мукофоти ушбу Сугурта коидасининг 7.6 бандида кўrсатилган тартибда Сугурта килдируvчига қайтаридал Ушбу Сугурта шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда амалга оширилади.

8.4.3. Ушбу Сугурта коидаси шартларига мувофиқ сугурта ходисаси деб тан олиниши мумкин бўлган воқеа содир бўлса:

а) сугурта воқеаси содир бўлган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш кунидан (72 соат) кечиктирмай Сугурталовчи ёки унинг вакилини воқеа содир бўлганлиги ҳакида хабардор қилиши;

б) тегишли хабарни бергандан кейин 10 (ўн) иш куни ичида Сугурталовчига зааррга таъсир этган, унга маълум сабаблар ва тафсилотларни кўrсатгандан холда ёзма аризани йўллаши;

в) дарҳол мол-мулкни куткариш учун заарни янада қўпайишини ва қўшимча заар юзага келишини олдини олиш бўйича имкони бор чораларни қўриши, шу жумладан заарларнан мол-мулкни кўрикланишини таъминлаши ва Сугурталовчидан олинган йўрикномаларни бажарishi;

г) ёнгин ёки яшин уриши, портлаш ёки бузиб ўғрилик қилиниши ҳолатида бу ҳакида дарҳол тегишли идораларга

хабар килиши (ёнгин хавфсизлиги идораси, ички ишлар идораси, ФВВ ҳудудий идоралари ва ш.к.);

д) шикастланган мол-мulkни Сугурталовчининг вакили келгунига қадар содир бўлган воқеадан кейинги ҳолатида сақлаши. Заарнинг кўриниши ўзгартириш фақат хавфсизлик, зарар миқдорини камайтириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Сугурталовчининг розилиги билан ёки Сугурталовчини хабардор қилгандан кейин бир ҳафта ўтгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Бунда Сугурта қилдирувчи воқеа кўринишими фото- ёки видео тасвирига тушириши шарт;

е) Сугурталовчига шикастланган мол-мulkни ёки унинг қолдикларини, шунингдек унинг қисмлари, деталлари ва унга тегишли жиҳозларни ёки уларнинг қолдикларини кўрсатиши;

ж) Сугурталовчига шикастланган, нобуд бўлган ёки йўқотилган мол-мulkning рўйхатини тақдим этиши;

з) кредит шартномаси буйича белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажариши;

3) кредит шартномаси суд томонидан муддатидан муддатидан аввал бекор килингандан ёки суд томонидан муддатидан аввал ундириши белгиланганда сугурталовчини дархол лекин 72 соат ичida ёзма хабардор қилиш шарт;

и) зарур ҳолларда, сугурта ҳодисаси содир бўлган пайтда мулкдорлик хуқуки ёки нобуд бўлган (йўқолган) мол-мulkдаги бошқа мулкий манфаати мавжудлигини тасдиқловчи хужжатни (мулкдорлик хуқуки ҳакида гувоҳнома, олди-сотди шартномаси, ижара шартномаси ва ш.к.) тақдим этиши;

8.4.4. Сугурталовчини учинчи шахслар томонидан заар бўрни қопланиши, йўқотилган ёки шикастланган сугурталанган мол-мulk қайтарилиши, тикланиши ҳакидаги барча ҳолатлар ҳакида хабардор қилиши.

8.5. Наф олувчининг хуқуқлари:

а) агар мол-мulk тўлиқ қийматида сугурталанмаган бўлса ёки унинг қиймати оша, сугурта қоидаси амалда бўлган даврда сугурталовчи билан келишган ҳолда сугурта қоидасига қўшимча келишув расмийлаштириб ва қўшимча сугурта мукофотини тўлаб, сугурта пулини ошириши;

б) сугурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини олиши;

в) сугурта шартномасини (полисини) мазкур сугурта қоидасига мувофиқ бекор қилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Сугурталовчи тўғрисида маълумот олиши;

д) сугурта ҳодисасидан кейин, агар мол-мulkни тиклаб бўлмаса, ўз функционал мақсадларида ишлатиб бўлмаса, ёки уни тиклаб бўлсаю, лекин тиклаш харажатлари унинг сугурта қоидасини тузиш пайтидаги ҳақиқий қийматидан ортиқ бўлса, мол-мulk қолдикларидан сугурталовчи фойдасига воз кечиши;

е) томонларнинг ёзма келишувига мувофиқ сугурта қоидасига келишувни имзолаш билан ўзгаришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиши;

ж) бутун сугурта муддати мобайнода сугурта масалалари бўйича сугурталовчининг маслаҳатини олиши;

ж) сугурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил текширув ўтказишини ташкил этишини талаб қилиши.

8.6. Наф олувчининг хуқуқлари:

8.6.1. Сугурталовчига Сугурта шартномасини тузатганда хабар қилингандан тафсилотларда сезиларли ўзгаришлар ҳакида, агар бу ўзгаришлар сугурта қалтислиги даражасига сезиларли таъсир этиши мумкин бўлса, Сугурта шартномаси амалда бўлган даврда Сугурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган тавсилотлар ҳакида Сугурталовчига хабар бериши шарт. Сезиларли ўзгаришлар бўлиб Ариза-сўровномада хабар қилингандан тафсилотлар (шу жумладан мол-мulkни бузилиши, бино ёки курилмаларнинг қайта қурилиши ёки қайта жиҳозланиши, мол-мulk шикастланиши ёки йўқ қилиниши ва ш.к.) хисобланади.

8.6.2. Ушбу Сугурта қоидаси амал қилиши мобайнода Сугурта қилдирувчи ва/ёки Сугурталовчидан олинган ахборотни сир сақлаши, Наф олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ давлат идораларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно.

8.6.3. Ушбу Сугурта қоидаси билан назарда тутилган барча хабарлар томонлар тарафидан ёзма шаклда ёки хабар мазмуни ва санасини сақлаш имконини берувчи алоқа воситалари (телекс ёки факс) орқали ёки олинганлигини тасдиқлаган ҳолда топширилиши орқали амалга оширилади.

9-БЎЛИМ. Даъволарни кўриб чиқиши тартиби

9.1. Ушбу Сугурта қоидаси доирасида Сугурталовчидан сугурта товони тўловини талаб қилишга асос бўлиши мумкин бўлган воқеа содир бўлганда Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига дархол, лекин 72 (етмиш икки) соатдан кечиктиримай хабар бериши ва шундан кейин воқеа сабаблари ва тафсилотларини кўрсатган ҳолда 10 (үн) иш куни ичida ёзма хабарномани жўнатади;

9.2. Сугурта товони тўлови ҳакида ариза фақатгина Сугурта қилдирувчи томонидан берилиши ва унга қўйидаги хужжатлар илова қилиниши шарт:

- сугурта товони тўлови ҳакида ариза;
- сугурта воқеаси манбааси ва сабаби кўрсатилган далолатнома;
- сугурта ҳодисаси содир бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар, хужжатлар ва бошқа асослар;
- сугурта полиси (асли);
- баҳоловчи ташкилотнинг етказилган заар миқдори ҳакида далолатномаси/ хулосаси/хисоботи (тўлов чек/тўлов варакаси нусхами);
- ушбу Сугурта қоидаси шартларига мувофиқ мазкур сугурта воқеасига тегишли бошқа хужжатлар.

9.3. Сугурта қопламаси тўлови ҳакидаги аризада Қарз олувчи қуидагиларни кўрсатиши шарт:

- сугурта воқеасининг санаси ва тафсилотлари;
- сугурта ҳодисаси содир бўлганда Сугурта қилдирувчининг ҳаракатлари;
- зарарнинг ва Сугурта қилдирувчи даъво қилаётган сугурта товонининг тегишли рўйхати ва миқдори кўрсатилган таҳминий миқдори;
- учинчи шахслар зарарнинг ўрнини қоплаганлиги миқдори (бундай қоплама олинган тақдирда).

9.4. Сугурта қилдирувчи ҳар қандай йўқотиш ва/ёки шикастлар ҳакида хабар қилган тақдирда Сугурталовчи ўз ходимини ёки бошқа шахсни даъвони кўриб чиқиш ва содир бўлган воқеанинг тури, сабаби ва тавсилотларини батафсил

ўрганиш учун юборишга ҳақли.

9.5. Суғуртга қилдирувчи суғурта воқеаси оқибатларини фақат кўриқдан кейин ёки Суғурталовчи билан ўз ҳаракатларини келишиб олгандан кейин бартараф этишга киришиш хукуқига эга.

9.6. Суғурталовчи заарни олдини олиш ёки камайтириш мақсадида амалга оширилган харажатларни, агар суғурта шартларига мувофиқ бу заар қопланиши лозим бўлсагина, қоплади.

9.7. Суғуртга ходисасига тегишли барча хужжатлар/ахборотлар/маълумотлар тақдим этилгандан кейин 15 (ўн беш) иш куни ичida Суғурталовчи содир бўлган воқеани тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қиласи ва содир бўлган суғуртга ходисаси бўйича далолатнома тўзади.

9.8. Суғурталовчи воқеани суғуртга ходисаси деб тан олиш ёки олмаслик тўғрисидаги қарор қабул қилинишини кейинга колдириши мумкин:

а) агар унда суғуртга ходисасини тасдиқловчи хужжатлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисида маълумот бўлса, ушбу хужжатлар ҳақиқий эканлиги тасдиқлангунинг қадар;

9.9. Зарар, бузилиш ёки шикастланиш қопланиши лозимлигини исботлаш Суғуртга қилдирувчи зиммасида.

9.10. Зарур ҳолларда суғуртга ходисаси юзага келганлиги ваколатли давлат идоралари томонидан тасдиқланади.

10-БЎЛIM. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу Суғурта қоидаларининг 4.1-бандида назарда тутилган суғуртга ходисаси юз берганида суғуртга товони Суғуртга қилдирувчи/Наф олувчига яъни “Мадад инвест банк” АТБга (охиргисининг танловига кўра) куйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда Суғуртга товони тўлови куйидагича тўланади:

а) мол-мулкдан тўлиқ маҳрум бўлганда (тўлиқ нобуд бўлиши) – йўқотилган мол-мулкнинг Суғуртга шартномаси тузилган санадаги суғуртга пули миқдорида;

б) мол-мулк шикастланса (кисман бузилса) – тиклаш харажатлари миқдорида, лекин суғуртга пулидан ошмаган миқдорда.

10.2. Тиклаш харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) таъмирлаш (тиклаш) учун материаллар ва эҳтиёт қисмлар;

б) таъмирлаш бўйича ишларни тўлаб бериш харажатлари;

в) материалларни таъмирлаш жойига етказиб бериш ҳамда суғурталанган мол-мулкни суғуртга ходисасидан аввалги ҳолатигача тиклаш учун зарур бошқа харажатлар;

г) зарар миқдорини аниқлаш мақсадида мустақил текширув ўтказилиши билан боғлиқ харажатлар.

10.3. Куйидагилар тиклаш харажатлари хисобланмайди ва Суғуртга товони билан қопланмайди:

а) суғурталанган объектни яхшилашдан келиб чиқсан харажатлар;

б) вактинчалик ёки ёрдамчи таъмирлаш ёки тиклашдан келиб чиқсан харажатлар;

в) суғурталанган мол-мулкни ўзгартириш/такомиллаштириш/янгилаш билан боғлиқ харажатлар;

г) зарурдан ортиқ бошқа харажатлар;

д) суғурталанган мол-мулк суғуртга ходисаси ёки бошқа омиллар таъсирида (табиий ва ш.к.) товар кўринишини ўйқотиши.

е) суғуртга ходисаси содир бўлиши натижасида мол-мулкга етказилган зарарни баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳоловчи ташкилот амалга ошириган баҳолаш билан боғлиқ харажатлар;

ё) Суғурталовчи томонидан, етказилган зарар миқдорини аниқлаш, зарур ҳолатларда қайта баҳолаш ишларига Суғуртга қилдирувчи тўскинлик килса ёхуд Суғурталовчининг рухсатисиз таъмирлаш ишларини амалга ошириган бўлса, суғуртга товони тўланмайди.

10.4. Агар суғурталанган мол-мулкдан хавфсиз фойдаланиш учун уни таъмирлаш кифоя бўлишига қарамай, суғурталанган мол-мулкнинг зарарланган қисмлари ёки буюмлари алмаштирилса, Суғурталовчи суғуртга товонини ушбу қисмлар ёки буюмларни таъмирлаш қиймати миқдорида, лекин уларни алмаштириш қийматидан ошмаган миқдорда тўлайди.

10.5. Суғурта қилдирувчи зарарланган бўлса ҳам, суғуртга ходисасидан кейин колган мол-мулкдан воз кечиш хукуқига эга эмас. Бундай мол-мулкнинг қолдик қиймати суғуртга товонидан чегириб қолинади. Изоҳ: Қолдик қиймат бўлиб нобуд бўлган ёки шикастланган мол-мулкдан колган, шу жумладан зарарланмаган материаллар, қисмлар ва деталларни сотиши ёки уларни металломга ёки чиқинди сифатда топширишда кўлланиладиган нархларда аниқланадиган қиймат хисобланади.

10.6. Суғурталовчи Суғуртга қилдирувчига йўқолган / шикастланган мол-мулк ўрнига бошқасини тақдим этиш хукуқига эга. Бунда:

• Суғурталовчи томонидан алмаштириш учун таклиф этилаётган мол-мулк худди шундай турда (кўринишда, классда), алмаштирилаётган мол-мулкнинг ҳолатига ўхшаш бўлиши шарт;

• суғуртга товонини тўловини амалга оширидан кейин Суғурталовчи шикастланган мол-мулкка эгалик қилиш хукуқини унинг барча рўйхатга олиш хужжатлари ва унга эгалик қилиш хукуқини берувчи хужжатлар билан биргаликда олади.

10.7. Агар Суғуртга шартномаси бўйича суғуртга пули суғурталанган мол-мулкнинг суғуртга қийматидан кам миқдорда ўрнатилган бўлса, Суғурталовчи суғуртга ходисаси содир бўлганда Суғуртга қилдирувчи/Карз олувчига етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 936-моддасига мувофиқ суғуртга пулининг суғуртга қийматига мутаносиб равишида қоплаб беради.

10.8. Агар Суғуртга қилдирувчи қопламани учинчи шахслардан олган бўлса, Суғурталовчи суғуртга шартларига мувофиқ тўланиши керак бўлган маблаг билан учинчи шахслардан олинган маблаг ўртасидаги фаркни тўлайди. Суғуртга қилдирувчи ёки Қарз олувчи Суғурталовчига бундай пуллар олинганлиги ҳақида 10 (ўн беш) иш куни ичida хабар бериши шарт.

10.9. Суғурталовчи суғуртга товонини манфаатдор Томонлар Суғуртга ходисаси тўғрисидаги далолатномани имзоланганларидан сўнг 15 (ўн беш) кун ичida тўлайди.

10.10. Суғурталовчи шунингдек Суғуртга қилдирувчининг, дастлаб Суғурталовчи билан келишилган бўлиши шарти билан, зарар миқдорини аниқлаш билан боғлиқ харажатларини қоплади.

10.11. Агар Суғуртга қилдирувчи суғуртга товонини олгандан кейин суғуртга ходисаси натижасида маҳрум бўлинган

қандайдир мол-мулкни ўз ихтиёри/фойдаланиши/идорасига қайтарса ёки айбдор ёки бошқа шахс заар үрнини қопласа, Сугурталовчининг даъвосини олган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичидан Сугурталовчига қайтариши шарт.

10.12. Агар конун хужжатлари ёки ушбу Сугурта қоидасига мувофиқ Сугурта қилдирувчи сугурта товонига бўлган хукуқидан тўлиқ ёки қисман маҳрум килиши маълум бўлса, Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига сугурта товонини ёки унинг тегишли қисмини қайтариши шарт.

10.13. Сугурталовчининг сугурта товони тўлаш ёки рад этиш тўғрисидаги карори сугурта товони тўлови учун мурожаат этилгандан кейин 15 (ўн беш) иш кундан кечиктиримай хабар қилиниши ва рад этилган тақдирда рад этилишининг асосланган сабабларини ўз ичига олган бўлиши керак.

10.14. Сугурталовчи сугурта товони тўлашни рад этиши устидан Сугурта қилдирувчи ёки Қарз олувчи судда шикоят қилиниши мумкин.

10.15. Ушбу Сугурта қоиди буйича сугурта қилдирувчи/наф олувчи/қарздор томонидан белгиланган мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги сугурта тўловини рад этишга асос бўлади.

11-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

11.1. Сугурта товони тўлангандан кейин Сугурталовчига (тўланган пул миқдорида) Сугурта қилдирувчи/Қарз олувчининг зарар етказилганинига айбдор бўлган шахслардан зарарни қопланишини талаб килиш хукуки ўтади.

Сугурта қилдирувчи/Қарз олувчи Сугурталовчига сугурта ходисаси учун жавобгар шахсадан талаб килиш учун зарур барча хужжатларни берини ва ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

11.2. Агар Сугурта қилдирувчи айби билан талаб қилиш хукукини амалга оширишнинг имкони бўлмай қолса (зарарда айбдор шахсларга ариза бериш муддатларини ўтказиб юборса), Сугурталовчи сугурта товони тўлаш мажбуриятидан озод бўлади, бунда агар тўлов амалга оширилган бўлса, Сугурта қилдирувчи олинган товон пулини Сугурталовчининг даъвосини олган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичидан қайтариши шарт.

12-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

12.2. Сугурта мукофоти ўз вактида тўланмаган тақдирда, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сугурта мукофоти суммасидан 0,1% миқдорида, лекин кечиктирилган суммасининг 10% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисоблашга ҳақли.

12.3. Сугурта товонини тўлаш муддатига амал қилинмаганда, Сугурталовчи ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорда, лекин сугурта товони суммасининг 10% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пенянинг тўланиши Сугурталовчини сугурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

12.4. Сугурталовчи, Сугурта қилдирувчи ва Қарз олувчи маълумотларни ошкор қилмаслик ҳақида жавобгар бўлади ва ушбу Сугурта қоидаси ва Сугурта қоидаси иловалари билан боғлиқ бошқа хужжатларнинг мазмунини тегишли тарафнинг дастлабки тарзда олинган ёзма розилигисиз ҳар қандай учинчи тарафга ошкор қилмайди.

13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Сугурта қоидасининг шартларини ўзгаририш томонларнинг келишуви билан бўлиши мумкин. Сугурта шартномасини ўзгаририш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда амалга оширилади.

13.2. Ушбу Сугурта қоидаси шартлари ўзгаририлган тақдирда мажбуриятлар Сугурта қоидасини ўзгаририш ҳақидаги ёзма келишувда шартлашилган санадан бошлаб ўзгаририлган ҳисобланади.

13.3. Ушбу Сугурта қоидаси ҳар бир томонда бир нусхадан сакланади ва бир хил юридик кучга эга.

13.4. Сугурта қоидаси бўйича хукуқ ва мажбурияларни Томонларнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга беришга йўл кўйилмайди.

13.5. Томонлар ушбу Сугурта қоидасида келишилмаган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Сугурта фаолияти тўғрисида» ги, «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги Конунлар ва Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги бошқа конунларига амал қиладилар.

13.6. Сугурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларида белгиланган ҳоллардан ташкири сир саклаш жавобгарлигини ва ушбу Сугурта қоидаси, Иловалар ва ушбу Сугурта қоидаси билан боғлиқ бошқа хужжатларнинг мазмунини тегишли томоннинг ёзма розилигисиз ошкор қилмасликни зиммаларига оладилар.

14-БЎЛИМ. ФОРС-МАЖОР

14.1. Томонлар ушбу Сугурта қоидаси бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармасликлари Сугурта қоидаси тузилгандан кейин содир бўлган, Томонлар аввалдан била олмаган ва оқилона чоралар орқали олдини ола олмаган фавқулодда тавсифидаги воқеалар оқибатида енгиг бўлмас куч натижасида юзага келган жавобгарликдан озод бўладилар.

14.2. Енгиг бўлмас куч шарт-шароитига Томон таъсир кўрсата олмайдиган ва содир бўлганлиги учун жавобгар бўлмаган воқеалар киради, масалан: ушбу Сугурта қоидаси предметини ижросига тўскинлик қилувчи иш ташлашлар, хукумат хужжатлари ва давлат идоралари қарорлари, ҳар қандай тавсифдаги ҳарбий ҳаракатлар.

14.3. Енгиг бўлмас куч шарт-шароитини далил қилаётган Томон бошқа томонни бундай шарт-шароит юзага келганлиги ҳақида дарҳол ёзма шаклда хабардор килиши, бунда ҳар қандай Томон талабига кўра бундай шарт-шароит юзага келганлигини тасдиқловчи, тегишли идорадан берилган хужжат тақдим этилиши шарт.

14.4. Агар Сугурта қоидасининг ушбу бўлимида кўрсатилган енгиг бўлмас куч шарт шароити уч ойдан ортиқ давом этса, ҳар бир Томон бошқа Томонни хабардор килган ҳолда ушбу Сугурта қоидасини бир томонлама бекор килиши мумкин. Бунда Томонлар ушбу Сугурта қоидаси бўйича бажарилаётган ва бажарилмаётган қисмлари юзасидан ўрнатилган тартибида яқуний ҳисоб-китоб қиладилар.

15-БҮЛİM. БАХСЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

15.1. Ушбу Сугурта қоидасидан келиб чиқадиган барча баҳслар ва келишмовчиликлар музокаралар орқали ҳал этилади, келишувга эришилмаган тақдирда эса, улар ЎзР қонун хужжатларига мувофиқ ҳамда низоли ва баҳсли масалалар иқтисодий судлар(томонларнинг ўзаро розилиги билан хакамлик судларида) да ҳал этилади.



йилдаги
-сонли "Гаровга қўйилаётган
мол-мулкни сугурталаш"
коидаларининг
1-иловаси

	No _____ "Гаровга қўйилаётган мол-мулкни сугурталаш" шартномаси	" ____ 20 ____	
1. Сугурталовчи:			
2. Наф олувчи:			
3. Сугурта килдирувчи/Қарз олувчи: тўлиқ реквизитлари, манзили, тел раками			
4. Умумий коидалар:	Мазкур коида Ўзбекистон Республикаси конунчиллик нормаларига асосан «MY INSURANCE» АЖ (кейинчалик матнда – Сугурталовчи деб юритилади) томонидан ишлаб чиқилиб, «Мадад Инвест банк» АТБ билан келишилган бўлиб, "Гаровга қўйилаётган мол-мулкни сугурталаш" Коидалари (кейинчалик матнда – Сугурта коидалари деб юритилади) доирасида сугурталаш хизматларини кўрсатиш тартиб ва шартларини белгилайди.		
5. Сугурта обьекти:	Сугурта обьекти бўлиб, Сугурта килдирувчининг гаровга қўйилаётган мол-мулкни сугурта ходисаси натижасида юзага келган заарлари билан боғлиқ мулкий манфаатлари хисобланади.		
6. Кредит шартномаси:			
7. Кредит миқдори:		(____) сўм	
8. Мол-мулк тўғрисида маълумот:			
9. Сугурта ходисаси:	10. Сугурта суммаси	11. Сугурта мукофоти	12. Мол-мулкнинг қиймати
Шартнома бўйича қуидагилар сугурта ходисалари хисобланади:			
Механик шикастланиши: транспорт воситаларини келиб уришиши, учувчи аппаратлар ва уларнинг кисмларини келиб тушиши, учинчи шахсларнинг гайриконунинг хатти-харакатлари: бузуб ўтирилик килиши, табиий оғатлар: зилзила, ёнгин, сел келиши, довул, жала, сув тошқини, кўчки, калин кор ёгиши.		(____) сўм	(____) сўм
13. Сугурта мукофотини тўлаш ва электрон сугурта Полисини берниш тартиби:	Сугурта мукофоти Сугурта килдирувчи/Қарз олувчи томонидан шартнома имзоланган кундан бошлиб, 3 (уч) кун ичida сугурта шартномасининг бутун даври учун бир йўла тўлик тўланади. Сугурта мукофоти тўланган кун деб, Сугурталовчининг банк хисоб ракамига келиб тушган кун хисобланади. Сугурта мукофоти тўлангандан сўнг 24 (йигирма тўрт) соат ичida Сугурта килдирувчи/Қарз олувчининг шартномамда кўрсатиб ўтилган телефон ракамига электрон полисга хавола юборилади.		
14. Сугурта худуди: сугурта худудида жойлашган бино ва ишоотлар, савдо ускуналари, мебел,офис жихозлари, сотиш учун товарлар ва х. к. хисобланади.	15. Шартноманинг амал қилини муддати: Шартнома имзоланган вақтдан бошлиб кучга киради	202_га кадар амал қилади.	16. Шартнома бўйича сугурта муддати Коидаларининг 7.1.-бандига мувофик белгиланади хамда сугурта полисида кўрсатилади.
17. Шартноманинг маҳсус шартлари	1. Сугурта пули сугуртага кабул килинаётган мол-мулкнинг қийматидан кам келиб белгиланган бўлса, сугурта ходисаси юз берганида Сугурталовчи Сугурта килдирувчига/ Қарз олувчига у кўрган заарни Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 936-моддасига асосан сугурта пулининг сугурта қийматига бўлган иисбатига мутаносиб равишда коплайди. 2. Томонлар мазкур Шартнома ва Коидаларга мувофик хукуп ва мажбуриятларга эгадирлар. 3. Шартнома қуидаги холларда бекор килинади: а) Сугурталовчи Коидаларда назарда тутилган мажбуриятларни тўлик бажарсан (сугурта суммаси доирасидаги сугурта товонини тўлаган) тақдирда; б) агар қарз олувчи томонидан Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар тўлик бажарилган (муддатидан олдин бажарилган) тақдирда; в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгар бўладилар. 4. Томонлар ўз мажбуриятларни бажармаганинги ёки лозим даражада бажармаганинги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгар бўладилар. 5. Шартномани бажариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишимовчилар Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан хам килинади. Низоларни музокаралар йўли билан хам қилишининг имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибида Тошкент туманлараро иктиносидий судига мурожаат киладилар.		
18. Шартноманинг бошка шартлари	Қоидаларни линк _____ босиш ёки QR-кодни сканерлаш орқали ўқиш ва юклаб олиш мумкин. Коидаларда мавжуд бўлган ва Шартнома (полис) матнida акс эттирилган шартлар Сугурталовчи, Сугурта килдирувчи/Қарз олувчи ва Наф олувчи учун мажбурийдир. Келинчунни имзолаш орқали Томонлар Коидалар шартлари билан таниш эканликларини ва тўлик розиликларини тасдиқлайдилар. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган барча бошка масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг конун ва конунларига амал киладилар.		

Суфурталовчи:	Наф олувчи:	Қарз олувчи:
_____	_____	Суфурта қоидалари билан https://uz веб-сайти орқали ўқиб чикканлигимни тасдиқлайман www._____уз ва QR кодини сканерлаш орқали. _____ имзо

Йилдаги
-сонли "Гаровга
кўйилаётган мол-мулкни
суфурталаш" Қоидаларининг
Суфурта полиси
2-иловаси

Электрон шаклдаги суфурта полисининг намунаси
No _____ СУФУРТА ПОЛИСИ

Ушбу суфурта полиси "Гаровга кўйилаётган мол-мулкни суфурталаш"
Қоидалари шартлари бўйича Суфурта шартномаси тузилганлигини

тасдиқлайди
_____ yili тасдиқланган "Гаровга кўйилаётган мол-мулкни
суфурталаш" Қоидалари суфурта полисининг ажralmas кисми
хисобланади ва
www._____uz/rules <https://uz/rules> орқали ёки QR-
кодни сканерлаш орқали танишиши имконияти мавжуд

Полисни
хақиқийлигини
текшириши учун QR
кодни сканерланг

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридан Суфурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2022
йил 25 февралдаги SF серияли 00037-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи «MY-INSURANCE» АЖ СТ ва умумий
суфуртанинг 8 ва 9 -класлари бўйича Суфурта қоидалари, шунингдек №_____ Суфурта шартномасига мувофик
суфурта қопламасини тъзминлайди:

1.	Наф олувчи	Банк филиал номи
2.	Суфурта қилдирувчи/Қарздор	Тўлик маълумотлари, реквизитлари, манзили, тел
3.	Кредит шартномаси	No _____ ва сана _____
4.	Мол-мулк тўғрисида тўлик маълумот	
5.	Мол-мулкнинг хақиқий киймати	
6.	Суфурта худуди:	суфурта худудида жойлашган бино ва иштоотлар, савдо ускуналари, мебел,офис жихозлари, сотиш учун товарлар ва х. к. хисобланади
7.	Суфурта шартномаси:	No _____ ва сана _____
8.	Суфурта ходисаси:	Шартнома бўйича қуидагилар суфурта ходисалари хисобланади: Механик шикастланиши: транспорт воситаларини келиб урилиши, учувчи апаратлар ва уларнинг қисмларини келиб тушуши, учинчи шахсларнинг гайриконуний хатти- харакатлари: бузуб ўтирик килиш, табиий оғатлар:зилзила, ёнгин, сел келиши, довул, жала, сув тошқини, кўчки, қалин кор ёғиши.
9.	Суфурта суммаси:	
10.	Суфурта мукофоти:	
11.	Суфурта муддати:	Гаров шартномаси расмийлаштирилган санадан бошлаб “_____” 202_гача

Берилган санаси: _____ й.

Суфурталовчи: _____

